

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМАНОВА НАРГИЗА БАХТИЁРБЕКОВНА**

**ИНФОКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚ ТИЗИМЛАРИДА**  
**АССОЦИАТИВ ЎЗARO ҲАРАКАТЛАР**

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of Doctoral (DSc) dissertation**

**Усманова Наргиза Бахтиёрбековна**

Инфокоммуникация тармоқ тизимларида

ассоциатив ўзаро ҳаракатлар .....3

**Усманова Наргиза Бахтиёрбековна**

Ассоциативные взаимодействия в инфокоммуникационных

сетевых структурах .....33

**Usmanova Nargiza**

Associative interconnections in infocommunication

networking structures .....63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....67

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМАНОВА НАРГИЗА БАХТИЁРБЕКОВНА**

**ИНФОКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚ ТИЗИМЛАРИДА**  
**АССОЦИАТИВ ЎЗARO ҲАРАКАТЛАР**

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Т39 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Қосимов Содиқжон Собирович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бекмуратов Тулкун Файзиевич**  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**Марахимов Авазжон Рахимович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Мусаев Мухаммаджан Махмудович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108. Тел.: (99871) 238-65-44.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баенномаси).

**Р.Ҳ.Ҳамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

**Ф.М.Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби т.ф.д.

**Х.К. Арипов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида инновацион соҳа ва тармоқлар билан техник жиҳатдан ўзаро боғланган инфокоммуникация тармоқлари ва тизимлари ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) воситалари ва ечимлари билан интеграциялашиб, турли йўналишларда намоён бўлмоқда: АКТ нинг жадал ўсаётган соҳаларидан бири - Big Data учун, «олинаётган ва сақланаётган маълумотларнинг умумий ҳажми ҳар 1.2 йилда икки ҳисса кўпаймоқда; 2012-2014 йиллар мобайнида мобил алоқа тармоқларидан ҳар ойда узатиладиган маълумотлар миқдори 81%га ошди»<sup>1</sup>, 2016 йилда «булутли инфраструктурани ривожлантириш учун сервислар бозори 2015 йилда 52%га ўсиб, 23 млрд. долларга, оммавий булутли хизматларнинг дунё бозори ҳажми эса 2016 йилда 204 млрд. долларга етди, бу 2015 йилга нисбатан 16.5% га кўп»<sup>2</sup>. Бу борада инфраструктурани такомиллаштириш, ахборот тизимлари, маълумотлар базаларини яратиш ҳамда татбиқ қилиш, инновацион лойиҳаларни қўллаш, ахборот жараёнлари билан боғлиқ кўплаб технологиялар, функциялар, тизимларни муқобил тарзда амалга ошириш каби вазифаларда истиқболли ечимлар ишлаб чиқиш зарурлиги тақозо этилади. Жанубий Корея, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция каби ривожланган мамлакатларда мураккаб инфокоммуникация тармоқлари ва тизимларининг тақсимланган табиатида вужудга келадиган функционал жараёнлар ва ҳодисаларни тадқиқ этишда махсус математик ва имитацион усуллар ва воситалардан кенг фойдаланилмоқда.

Жаҳонда инфокоммуникация тармоқлари доирасида тақсимланган тармоқ ва технологиялар (семантик Web, Булутли ҳисоблашлар, Нарсалар Интернет, ва шу кабилар)ни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кўп соҳаларда ахборотни қайта ишлаш табиати ва ҳисоблаш тизими бошқарувини ишлаб чиқиш билан боғлиқ равишда ҳисоблаш воситалари имкониятларини кенгайтириш (масалан, тўлиқ маълумот бўлмаганда масалаларни ечишда, тахмин қилинаётган ҳаракат натижаларини башорат қилишда, реал вақтда жараёнлар динамикасида бошқарувни ишлаб чиқишда ва ҳ.к.); ахборотни ассоциатив (интуитив) ишлаб чиқишнинг умумий хусусиятлари билан бирлашган ахборотни қайта ишлашнинг янги ёндашувларни назарда тутадиган ахборот технологияларнинг замонавий имкониятлари, билимларни қайта ишлаш, мантиқий хулоса чиқариш, ва шу орқали ҳисоблаш тизимларининг интеллектуаллашиш усул ва воситаларни яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён ахборот-коммуникация тизимларини комплекс ривожлантириш, Интернет, глобал ахборот тизимларидан кенг кўламда фойдаланиш, инфокоммуникация тармоқлари ва

---

<sup>1</sup>Soumitra Dutta and Beñat Bilbao-Osorio. The Global Information Technology Report 2012 Living in a Hyper connected World-World Economic Forum, 2012.

<sup>2</sup><http://www.gartner.com/technology/home.jsp>.

тизимлари самарадорлигини кенгайтириш, истикболли ечимларни давлат бошқарувида тадбиқ этиш ва бир қатор бошқа вазифалар ва масалалар юзасидан чора тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «иктисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»<sup>3</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан инфокоммуникация тармоқ тизимларида ассоциатив ўзаро ҳаракатларнинг такомиллашган моделларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни (2015), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Инфокоммуникация тармоқлари ва тизимларида функционал ўзаро ҳаракатларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказларида, жумладан Chalmers, KTH, Uppsala Технологиялар университетларида “Distributed Computing Research” (Швеция), ETH Zurich университети “Distributed Systems Group”, Lausanne институти “Systems Group”, LSIR “Distributed Information Systems Laboratory” (Швейцария), West London университети “Distributed Computing and Systems”, Cambridge университети “Systems Research Group”, “Networks and Operating Systems” (Буюк Британия), INRIA миллий тадқиқот институтида “Networks, systems and services, distributed computing” (Франция), Freie Universität Berlin, TUM (Германия), Berkeley Institute for Data Science, UIUC, Cornell, MITларда “Theory of Distributed Systems” (АҚШ); Kyung Hee университетида “Ubiquitous Computing Laboratory”, Korea University “Distributed & Cloud Computing Lab”, SUNY Korea, Incheon IFEZ (Жанубий Корея), Институт вычислительных технологий РАН (Россия), Тошкент

3 Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

4 Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.cse.chalmers.se/research/group>, <https://www.ethz.ch/en/utis>, [www.uwl.ac.uk](http://www.uwl.ac.uk), <http://systems.epfl.ch>, <http://www.cam.ac.uk>, <https://www.inria.fr>, <http://groups.csail.mit.edu/tds>, <http://srg.cs.illinois.edu/research>, <http://dprg.cs.uiuc.edu/research>, <http://uclab.khu.ac.kr>, <http://ds.korea.ac.kr>, <http://www.cs.sunykorea.ac.kr/research> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган

ахборот технологиялари университети ва унинг қошидаги АКТ Илмий-инновация Марказида кенг қамровда олиб борилмоқда.

Тақсимланган ҳисоблашлар ва технологиялар кенг соҳасида фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар орқали коммуникацион алгоритмлар, коллаборатив муҳит, интеллектуал алоқа платформаларини яратиш борасида жаҳонда ҳозирги кундаги олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: маълумотлар марказлари самарадорлиги ва ишлаб чиқариш қувватини яхшилашда, дастурий таъминот архитектурасини ва катта хажмли маълумотлар учун иловалар ишлаб чиқиш ҳамда маълумотларни бошқариш (ETH Zurich, Швейцария); катта маълумотлар (Big Data)ни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, булутли ва кластер ҳисоблашлар, технология ва иловалар учун юқори натижали ҳисоблашларга эришиш (West London университети, Буюк Британия); Келажак Интернетини соҳасида коммуникация ва ҳисоблаш инфраструктураси, инновацион коммуникация протоколлари ривожланиши ва унумдорликни яхшилаш мақсадида тармоқларни моделлаштириш (INRIA, Франция); динамик тизимлар соҳасидаги тақсимланган ва параллел тизимларнинг конфигурацияларини вақт ўтишида ўзгариш моделлари (MIT, АҚШ); янги русумдаги операцион тизимлар ва тақсимланган (Булутли) тизимларда жараёнларни оптималлаштириш (Korea University, Жанубий Корея).

Дунё илмий ҳамжамияти томонидан тармоқнинг ўзгарувчан тавсифларига мослашадиган самарадор алгоритмлар яратиш, «Нарсалар Интернетини» ва «Хизматлар Интернетини»да ахборотни қайта ишлаш усулларини такомиллаштиришга мўлжалланган қатор, устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Интернетнинг мураккаб табиатини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги пайтда кўплаб илмий-тадқиқот ишлар тармоқлар ва қайта ишлаш тугунлар учун операцион тизимлар ва оралиқ дастурий таъминотни ҳамда гетероген муҳитни қўллаб-қувватловчи ҳисоблаш архитектуралар ишлаб чиқишни назарда тутди. Йирик масштабли тақсимланган тизимларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолаш бўйича натижалар кучли назарий асос ва амалий имкониятларни яратиш, тақсимланган тизимлар учун лойиҳалаш ва бошқариш методологиялари, ҳисоблаш алгоритмлари, протоколларнинг эҳтимолли моделлари, ва умуман тақсимланган тизимлар соҳасидаги инновацион ечимлар ва моделларга асосланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тақсимланган тизимларни ташкил қилиш, тизим компонентларининг биргаликдаги ҳаракатини амалга ошириш, тақсимланган ҳисоблашларни моделлаштириш масалалари бир қатор олимлар: Э.Таненбаум, Й.Фостер, К.Кессельман, В.В.Топорков, А.Г.Тормасов ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Р.Калман, А.Ширяев, Р.Беллман, Л.Понтрягин, В.К.Кабулов, Ф.Б.Абуталиев, Ф.Т.Адилова ва бошқалар ишларининг негизида ҳисоблаш машиналарининг математик таъминоти ва ҳисоблаш жараёнларни бошқариш масалалари тадқиқ қилинган. Ахборотни самарали қайта ишлашни ташкил қилиш ва ҳисоблаш тизим ва тармоқларида ахборот алмашиш бўйича алоҳида масалалар К.Петри, С.Хоаре, Дж.Нейман, В.А.Мизин, Ю.Злотников,

Д.Мельников, Д.Конрад, Э.Нельсон, шунингдек Т.Ф.Бекмурадов, С.С.Косимов, М.М.Мусаев ва бошқалар ишларида кўриб чиқилган.

В.В.Липаев, М.Липов, Э.Нельсон, Д.Нессер, Т.Тейер, шунингдек М.М.Камилов, Д.А.Абдуллаев ва бошқалар ишларида ахборот алмашиниш тизимлари ва воситалари функционаллигини ошириш масалалари келтирилган; сервислар учун ахборот алмашиниш воситаси протоколларида поғоналар орасидаги ўзаро алоқага Н.Анисимов, С.Белковский, В.Н.Турченко, А.Д.Иванников кабилар ишлари бағишланган. Интеллектуал муҳит компонентларини ривожлантиришда ҳамда бошқарув моделлари ва сунъий интеллектда ноаниқ кўпликлардан фойдаланиш масалалари Л.Заде, Е.Мамдани, Д.А.Поспелов, Р.А.Алиев, шунингдек Р.Н.Усманов, Д.Т.Мухамедиева ва бошқаларнинг ишларида акс этган.

Мос келувчи функционаллиқни кенгайтириш, янги технологик талабларда кўплаб компонентларнинг ўзаро алоқа механизмларини такомиллаштириш вазифасида тақсимланган ҳисоблашларни самарали ташкил қилиш масалалари мавжудлиги, функционал жараёнларнинг ички- ва тизимлараро характерини, муҳит, платформа, технологиялар, шунингдек тармоқ ва тизим архитектураси билан шартланган мураккаб инфраструктура алоқаларининг турли-туманлигини инобатга оладиган инфокоммуникация тармоқ структураларда функционал ўзаро ҳаракатлар, мураккаб муҳитда интеллектуаллиқни кенгайтириш, қарор қабул қилишга оид усулларга бағишланган илмий-тадқиқотлар етарли даражада кўрилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 07-06 «NGN тармоқларининг функционал архитектура-сини тадқиқ этиш ва Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларида NGNни тадқиқ этиш тамойиллари» (2006-2007), 17-009 «Ахборот узатиш ва қайта ишлашнинг тақсимланган инфокоммуникация тармоқ муҳити» (2009-2011), А5-060 «Булутли ҳисоблашлар инфратузилмасида тармоқ хизматларини тақдим этиш моделлари ва механизмлари (“Электрон ҳукумат” тизими элементларини ривожлантириш мисолида)» (2015-2017) мавзулардаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тақсимланган муҳитда ассоциатив ўзаро ҳаракат моделлари ва механизмлари асосида инфокоммуникация тармоқ структуралари фаолият самарадорлигини оширишнинг илмий-методологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

ахборотни узатиш ва қайта ишлаш тақсимланган тармоқ муҳитида компонентларнинг ўзаро ҳаракат жараёнларини такомиллаштириш;

тақсимланган инфокоммуникация тармоқ структураларида ассоциатив ўзаро ҳаракатланиш тамойилларини яратиш;

инфокоммуникация тармоқ структураларида ассоциатив ўзаро ҳаракатланишнинг илмий-асосланган концепциясини ишлаб чиқиш;



тақсимланган ҳисоблаш тизимлари компонентларининг функционал ўзаро ҳаракат муносабатини такомиллаштириш методологиясини ишлаб чиқиш;

тақсимланган ҳисоблашларда иштирок этувчи жараёнлар ва/ёки механизмларни интеллектуал бошқариш тизимининг концептуал моделини яратиш;

самарадор ҳисоблаш структураларни шакллантириш ва тақсимланган тизимларни функционал хусусиятларини амалга ошириш имконини берувчи тақсимланган ҳисоблаш муҳитини ташкил қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тақсимланган инфокоммуникация тармоқ структуралари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** инфокоммуникация тармоқ структураларида компонентларнинг функционал ўзаро ҳаракат моделлари ва механизмларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда интеллектуал тизимлар тамойиллари, ассоциатив муҳитлар назарияси, графлар назарияси, оммавий хизмат кўрсатиш назарияси, ноаниқ кўпликлар назарияси, тизимли таҳлил усуллари, нейрон тармоқлар аппарати, тензор ҳисоблашлар тамойиллари ва усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инфокоммуникация тармоқ структураларида дастурий таъминотнинг оралиқ муҳитини ташкил қилиш тамойили асосида ахборот жараёнларини амалга ошириш механизмлари такомиллаштирилган;

инфокоммуникация тармоқ структураси компонентларининг ҳатти-ҳаракатини интеллектуаллаштиришга имкон берувчи ассоциатив ўзаро боғланишни амалга ошириш тамойиллари яратилган;

тақсимланган ҳисоблаш тизимларида объектларни турли функциялар амалга оширишда ҳатти-ҳаракатини акс эттирилиши орқали такомиллаштиришнинг концептуал асослари яратилган;

ассоциатив алоқаларни ҳисобга олган ҳолда, инфокоммуникация тармоқ структурасида компонентларнинг функционал ўзаро боғланиш моделлари ва механизмлари ишлаб чиқилган;

ахборотни қайта ишлаш ва алмашиш жараёнларида бир-бирига таъсири муносабати, объектлар муносабатида формал схемалар ҳамда муҳим хусусиятларини акс эттирадиган тақсимланган ҳисоблашларда иштирок этувчи жараёнлар ва/ёки механизмларни интеллектуал бошқариш тизимининг концептуал модели ишлаб чиқилган;

тақсимланган инфокоммуникация тармоқ структураларида алгоритм ва дастурлар учун самарали иш тартибини ташкил қилиш имконини берадиган компонентлар орасида тизим ичида ва тизимлараро ахборот алмашишнинг турли механизмлари асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотнинг ишлаб чиқилган методологиясини амалга оширишда алоқаларни реконфигурация қилиш шароитида алоҳида тизим ости (подсистема)лар орасида мураккаб функционал алоқаларнинг мавжудлиги аниқланган (структура ва ахборот даражаларида), булар асосида хизматлар ва ресурслар бир-бирига таъсири таъминотида тақсимланган муҳитнинг тармоқ ва тизим компонентларининг ўзаро ҳаракатланиш самарадорлиги ва функционал имкониятларини ошириш услублари ишлаб чиқилган;

инфокоммуникация тармоқ структурасида ассоциатив ўзаро ҳаракатланиш моделларини тадқиқ қилиш асосида ахборот алмашишнинг ассоциатив хусусиятлари аниқланган, ахборотнинг узатиш ва қайта ишлашнинг турли йўналишларида белгиларни аниқлаш воситасида унумдорликни ошириш услуби ва инфокоммуникация тармоқ муҳитининг ассоциатив модели ишлаб чиқилган;

тақсимланган илова модели ва дастурий компоненти учун тизимли модель асосида турли жараёнлар томонидан сўровлар учун муносабатларнинг формал процедуралари аниқланган, ва турли мураккабликдаги тақсимланган тизимлар ва тармоқлар учун муайян ечимлари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган дастурий таъминот модулларини амалий татбиқ этиш мобайнида компонентларнинг ўзаро боғланиш механизмлари ва процедуралари ишлаб чиқилган, бунда тақсимланган сервислар учун уларнинг ўзаро таъсири жараёни билан ассоциацияланадиган ахборот блокларини аниқлаш мумкин, бу орқали фан ва амалиётнинг турли соҳаларида дастурлаш тили ва платформасидан мустақил бўлган, ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлашга мослашган тақсимланган тизимлар, шунингдек маълумотларни тақсимланган қайта ишлашнинг юқори унумдорли тизимларга асос яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотнинг кўриб чиқиладиган соҳасида илмий ишларнинг таҳлилий таърифида, тақсимланган тармоқ ва тизимлар соҳасида назарий ва амалий тажриба таҳлили натижаларини қўллаганлиги, сунъий интеллект, кўпагентли тизимлар усулларини ўринли қўллаганлиги, математик ва имитацион моделлаштириш (жумладан, объектга йўналтирилган лойиҳалаштириш принциплари)да, тақсимланган архитектурада ресурсларни мувофиқлаштириш ва координациялаш масалаларида таклиф қилинган моделлар апробацияси бўйича ҳисоблаш тажрибаларида, булутли ҳисоблашлар самарадорлигини компонентларнинг параметрлар ва характеристикаларида ҳамда ишлашнинг чегаравий шароитини аниқлаш масалалари тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тармоқнинг мантиқий ва физикавий қурилмаларини тақсимлаш ва биргаликда қўллаш концепциясини амалга ошириш асосида инфокоммуникация тармоғининг функционал имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиришга имкон берадиган алгоритмлар ва дастурий воситаларни амалий апробацияси билан

изоҳланади. Ахборотни узатиш ва қайта ишлаш учун универсал инфраструктура ишлашининг таклиф қилинган механизмлари ва ишлаб чиқилган моделлари, шунингдек ахборот алмашинувида қатнашувчиларнинг турли моделлардаги бир-бирига таъсирини амалга оширувчи дастурий маҳсулотлар, тақсимланган тизим (тармоқ) ва ресурсларга (ҳисоблашларга ҳам) чекловлар бўлганда, хизматлар ҳамда сервисларда фойдаланувчиларнинг талабини қондириш учун тақсимланган тизим ва тармоқларда ахборот алмашиш жараёнини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти вақтнинг реал масштабида тармоқнинг алоҳида тармоқ ва тизим компонентларининг ҳатти-ҳаракатини адекват равишда моделлаштириш, ахборотни қайта ишлаш ва узатиш тизими характеристикалари, функционал имкониятларини аниқлаш, эксплуатация қилинаётган тармоқнинг фаолият жараёнларини яхшилашга йўналтирилган параметрларни ўзгартириш чегараларини аниқлаш имконини берадиган услублар, механизмлар ва дастурий маҳсулотлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларини қўллаш тақсимланган тизим ва тармоқлар функционалиги, шунингдек интеллектуал тизимларда ечимларни шакллантириш доирасида, самарадорлигини ошириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инфокоммуникация тармоқ структуралардаги жараёнларни ассоциатив ўзаро ҳаракатланиш асосида такомиллаштириш усуллари ва механизмлари, тақсимланган тизим ва тармоқлар доирасида компонентлар, иловалар ва сервислар функционалиги интеллектуаллашиш ёндашуви асосида:

замонавий инфокоммуникация хизматлар ва ресурсларни амалга оширишда тармоқ ва тизим компонентларининг самарали ўзаро ишлаш усуллари «UZINFOCOM» маркази ДУК ишлаб чиқариш фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 14 декабрдаги 33-8/8473-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида тақсимланган муҳит вазибалари ва жараёнларини амалга оширишда объектлар тўпламини аниқлашга ва алоқа операторлари учун ахборот ресурсларни самарали бошқариш ва тармоқнинг функционалигини кенгайтириш ҳамда дастурий таъминот фаолиятида такомиллашган виртуал машиналар учун кетадиган харажатларни 14%гача қисқартириш имконини берган;

объектга йўналтирилган лойиҳалаш концепциясида тақсимланган тармоқ ва тизимларни такомиллашган бошқариш усуллари, ахборот, ҳисоблаш ва коммуникация ресурсларини турли фойдаланувчиларга тақдим этишнинг тизимли яратиш ва амалий қўллаш воситалари «Ўзбектелеком» АК филиали “InfoSystems” корхонасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 14 декабрдаги 33-8/8473-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида булутли ҳисоблаш муҳитида ҳисоблаш масалаларни дастурий таъминот архитектурасига мос келиши, тақсимланган архитектураси ҳамда ўзаро ишловчи протоколлар, сервислар ва

интерфейслар учун тизим структурасини конфигурацияланадиган ҳисоблаш ресурсларга мослаштириш асосини яратган ва булутли ҳисоблашлар воситасида ахборотни йиллик қайта ишлаш нархини 12-20%гача камайтириш ҳисобига фойдаланувчиларга хизматни тақдим этадиган муҳит сифатида ташкилотлар инфратузилмасидаги сарфни, бошқарувга кетадиган вақтни тежаш имконини берган;

тармоқнинг мантикий ва физикавий қурилмаларини ишлатишнинг тақсимлаш ва бирлаштириш концепциясини амалга ошириш асосида инфокоммуникация тармоғи функционаллигини кенгайтиришга мўлжалланган алгоритм ва дастурий воситалари «Ўзбектелеком» АК «БРМ» филиали фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 14 декабрдаги 33-8/8473-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида тармоқнинг тизимли компонентларини моделлаштириш, маълумот узатиш ва қайта ишлаш тизимлар характеристикаларини аниқлаш, шунингдек, эксплуатация қилинаётган тармоқнинг ишлаш жараёнларининг яхшиланишига олиб келувчи параметрларини чегаравий қийматларини аниқлашга имкон берган;

ахборотни узатиш ва қайта ишлаш инфраструктурасининг моделлари ва механизмлари ҳамда дастурий таъминоти тақсимланган тизим ва ресурсларга бўлган талабларни бажаришга ва ахборот алмашинув жараёнларини яхшилашга имкон бериши Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази «UNICON.UZ» ДУКга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 14 декабрдаги 33-8/8473-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси муайян амалий масалалар учун (сўровни қайта ишлаш вақтини камайтириш ҳисобига) фойдаланувчилар талабларини қониқтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 22 та халқаро ва 8 та республика илмий-техник конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 58 та илмий иш чоп этилган, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 15 та (6 та халқаро ва 9 та республика журналларида), шунингдек ЭҲМ учун дастурларни рўйхатга олиш ҳақида 4 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 200 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб берилган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига тадқиқотнинг мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларнинг амалиётга татбиқи, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Инфокоммуникация тармоқ структураларида ўзаро ҳаракатланиш жараёнларни тадқиқ қилиш методологияси»** деб номланган биринчи бобида инфокоммуникация тармоқ архитектурасини шаклланиш принциплари асосида тармоқ структуралари ва жараёнларининг ўзига хос томонлари аниқлаб берилган.

Инфокоммуникация тармоғи (ИКТ)нинг функционал архитектурасида ахборот алмашиш ва қайта ишлаш аппарат-дастурий воситаларининг функционал боғланган йиғиндиси белгиланади; ИКТ да турли сценарийларни кўриб чиқишда базавий талаблар тақсимланган ҳисоблаш структураларида функционал ва тармоқ элементлари конфигурациясига хос хусусиятлар ва атрибутлар орқали аниқланади (дастурий таъминот (ДТ) архитектураси нуқтаи назаридан), яъни *инфокоммуникация тармоқ структураси* тақсимланган тармоқ ҳисоблашларда иштирок этадиган архитектуравий ва тизимли компонентлари йиғиндиси сифатида аниқланади. Бунда: тақсимланган тармоқ ҳисоблашларни архитектурали тақдим этилиши тизимнинг турли томонларини (ҳатти-ҳаракатли, структуравий, мантикий, физикавий, амалга ошириш ва ҳ.к.) белгилаб беради; структуралар ёки тақдим этишлар йиғиндиси абстракциянинг турли даражаларига эга ва архитектуранинг турли жихатларини кўрсатиб ўтади (синфлар структураси, амалга ошириш, компонентларнинг ўзаро боғланиш сценарийлари); дастурий компонента - ДТ бирлиги сифатида, унинг ташқи интерфейси орқали қўлланилган сервисларнинг баъзи йиғиндисини акс эттирса, тақсимланган тармоқ ва тизимларнинг мувофиқ структураларида мураккаб ўзаро боғланишни амалга ошириш ва таърифлаб бериш учун қабул қилинади.

Архитектурани таърифлаш учун кетма-кет функционал декомпозиция усули қўлланилади, функционал архитектура поғоналари, тизимларни амалга оширувчи функциялар гуруҳлари, функционал-йўналтирилган элементлар турлари ва стеклари аниқланади. Бундай элементларнинг бир-бирига ўзаро боғланиш учун оралиқ муҳит керак бўлади, бунда турли ички ва тизимлараро оралиқ механизмлари қўлланилади, улар маълумотлар алмашиш учун стандарт платформалараро сервисни ҳавола қилади. Бундай механизмларни амалга оширишдаги ахборот алоқаларининг йўналишлари ва уларнинг турли туманлиги ўзаро боғланиш жараёнларининг мураккаблигини белгилаб беради, уларни таърифлаш учун эса ассоциатив муҳитлар назарияси талқинида *тақсимланган ассоциатив жараёнлар* таклиф қилинади.


Жараёнларни бундай тасаввурда тақдим этиш (алоҳида: *дастурлаш* ва *ҳисоблашлар моделларини* назарда тутган ҳолда) ИКТ структураларда дастурий компонентларни ташкил қилиш ва ишлатиш принципларини эътиборга олиш имконини бериши, жумладан, улар хизмат (сервис) кўрсатиш жараёнларини динамик бошқариш имконияти, ўзаро алоқа ва сервис характеристикаси ҳамда шароитларини мувофиқлаштириш, бир-бирига таъсир жараёнининг ҳаётий даврини ҳисобга олиш, ўзаро муносабатда бўлган объектлар ўртасидаги ўзаро алоқа параметрлари ва шартларини аниқлаш, ресурсларнинг турғун конфигурациясини таъминлаш кабилар асослаб берилган.

Диссертациянинг муҳим жиҳати ажратиб кўрсатилган: тақсимланган ҳисоблаш тизимларини амалга ошириш вариантларини, мавжуд инфраструктура устидан биргаликдаги ишни ташкил қилиш учун, ҳамда биргаликдаги ресурслардан фойдаланиш учун ягона (виртуал) сатхни яратиш базавий ғояси бирлаштиради. Диссертация тадқиқотлари контекстидан келиб чиқиб, тақсимланган ҳисоблаш муҳитини ишлаб чиқиш (яратиш асосларини аниқлаш) вазифаси қўйилади, бундан мақсад тақсимланган ҳисоблашларда иштирок этувчи жараёнлар ва/ёки механизмларни бошқариш функциясини амалга ошириш имконини берувчи *самарадор ҳисоблаш структураларни* ташкил қилишдир.

Функционаликни акс эттириш учун, концептуал кўриниши 1-расмда келтирилган методология тақлиф қилинган ва асослаб берилган. Модель *ҳатти-ҳаракат билан бошқариладиган тузилмани* ифодалаб, тақсимланган ИКТ архитектурасининг ўзига хос хусусиятларини оралиқ ДТ ташкил қилиш тамойиллари нуқтаи назаридан ҳисобга олади.

Тақсимланган тармоқ структураларда жараёнларнинг ўзаро боғланишини формаллаштириш мақсадида, ҳолатларнинг тақсимланган ахборот макони кўп агентли тизим (КАТ) сифатида ифодаланади ва тармоқ структуралари билан бирлашган ўзаро таъсир қилувчи асосларнинг мавжудлиги билан тавсифланади, уларнинг мақсади - умумий вазифа ёки функцияни, ҳаракат сценарийси ёки алгоритмининг бажариш; уларни бирлаштириш эса *тақсимланган ҳисоблаш муҳитини* кўриб чиқиш ва тадқиқ қилишга асос бўлади. Муҳит компонентларининг самарали ўзаро боғланишгайўналган ҳаракатларни (ҳисоблаш жараёнининг алгоритмик таъминоти) кетма-кет бажарилиши алоҳида ахамиятга эга бўлади. Агентлар орасидаги бундай ўзаро боғланишлар ўйинлар назарияси – механизмлар дизайни орқали кўриб чиқилади.

КАТда самарали ўзаро боғланиш вазифасида ҳатти –ҳаракат сценарийси тушунчаси киритилади: ҳолатлар ва воқеалар билан боғлиқ ҳаракатлар кетма-кетлиги кўринишида. Ҳатти-ҳаракат механизми ёки сценарий КАТда агентлар ҳаракати стратегиясини аниқлаб беради, яъни агентнинг ҳатти – ҳаракати унинг бошқариш тизими билан белгиланади. Ҳаракатларнинг (механизмнинг) шундай алгоритминини ишлаб чиқиш вазифаси қўйиладики, агентларнинг шахсий ҳатти –ҳаракати стратегиянинг  $s(t)$  керакли профилини амалга оширишга олиб келсин, бундай стратегияда чиқиш функцияси эса танлаш функциясига мувофиқ бўлсин.



**1-расм. Ҳатти-ҳаракат билан бошқариладиган тузилма модели**

Методологик ёндашув тақсимланган муҳитда жараёнлар ва функцияларни амалга оширишда объектлар тўпламини аниқлаш имконини беради (ҳам тармоқнинг архитектураси учун, ҳам ўзаро алоқадаги протоколлар, сервислар ва интерфейслар учун). Бунда оралиқ ДТ хусусиятлари эътиборга олинади: бошқарилувчи объектлар мавжудлиги (А блоки), хизматларни таъминлаш тузилма ва интерфейслари (В блоки), буларни тақсимланган муҳитда моделлар ва ҳатти-ҳаракатни ифода қилиш кўринишида тасвирлаш мумкин (С блоки).

Агент учун вазифа сифатида ассоциатив алоқаларни шакллантириш тайинланади, қайсики реакция тарзда агентлар орасида ўзаро ҳаракатларни самарали ташкил қилишга, шунингдек жорий функционал мақсадга мувофиқ ечим қабул қилишга имкон беради. Механизм  $d \in D$  ечимни ва вектор  $\mathbf{p}$  (қиймат функцияси)ни танлайди; бу бошқарувчи таъсир тақсимланган агентларнинг энг мақбул (самарали ёки оптимал) тарзда популяциянинг эволюциясига олиб келади. Мумкин бўлган ечимлар  $F$  йиғиндисидан шундай  $(d, \mathbf{p}) \in F \subseteq D \times R^n$  ечим танлаб олиниши керакки,  $T^n \rightarrow F$  да берилган танлаш функцияси профили  $\mathbf{t}$  туридаги ва исталган ечимга  $(d, \mathbf{p})$  мос келишига имкон берсин (яъни ахборот тури вектори ва чиқиш функцияларининг тўплами мос келиши). Агент  $i$  танлаган  $d_i$  ечими охириги ечим ва  $p_i$  қиймат билан ўзаро боғланган, буни агентни фойдалилик функцияси орқали акс эттириш мумкин, яъни  $w_i = u_i(t_i, d) + p_i$ , бу ерда  $u_i(t_i, d)$  – механизмни  $d$  ечими фойдалилиги.

Индивидуал агент учун бу функция максимал бўлиши керак. Агент популяцияси учун тақсимланган муҳитда  $d$  ечим самарадорлиги қуйидаги кўринишда берилади:

$$W(d) = \sum_{i=1}^n u_i(t_i, d)$$

Фойдалилик функциясини эътиборга олиб,  $(d, p)$  ечими шундай шароитда самарали бўладики,  $d$  ечими  $D$  да  $W(d)$  максимал кўрсаткичга эга бўлади, яъни популяциянинг барча агентларининг фойдалилик функцияси йиғиндисини максималлаштиришда.


Диссертациянинг «Ассоциатив ўзаро ҳаракатланишлар асосида инфокоммуникация тармоқ структураларини формаллаштириш» деб номланган иккинчи бобида ассоциатив ўзаро ҳаракатланишлар асосида уларни тадқиқ қилишга концептуал ёндашув нуктаи назаридан инфокоммуникация тармоқ структураларини формаллаштиришнинг илмий ва методик асослари аниқланади. Компонентлар асосида турли конфигурацияларни топиш имконини берувчи методика ишлаб чиқилган, конфигурациялар

архитектура услубларига таснифланган бўлиб, улар асосида компонентли архитектура ва компонентлар бир-бири билан боғланган ҳамда биргаликда тизимга конфигурацияланиш усули шакллантирилган.

ИКТ структураларда функционал ўзаро боғланишни *ассоциатив муҳит* тушунчасини киритиш билан очиб бериш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган – акс этиш, тўплаш, сақлаш, таҳлил қилиш, ўзгартириш, ахборот алмашиш хусусиятларига эга тартибга келтирилган ассоциативячейкалар тўплами йиғиндисини маълум даражада ташкил қилишда. Элементларнинг структура ва хусусиятлари асосида ассоциатив ахборот муҳитида ҳар хил турдаги (ахборот, ҳисоблаш, коммуникацион) ресурсларнинг дастурий инженерия принципларида дастурий компонентларнинг фаолияти нуқтаи назаридан ўзаро таъсири кўрсатиб берилган.

Тугунларнинг мумкин бўлган жуфтли тўплами  $D_0$ :  $D_0 = \{(s, d) | s, d \in V, s \neq d\}$  сифатида тармоқ графи  $G(V, R(V))$  кўриб чиқилган; бу ерда жуфтликнинг биринчи элементи маълумотлар оқими тугун-манбасига, иккинчиси эса тугун-қабул қилувчига мос келади. 2-расмда кўп поғонали моделнинг учта поғонали модули ассоциатив тасаввур қилишда ўзаро боғланиш структураси тақдим этилган.  $D_0 = (V, V_I)$  графнинг жуфти кўриб чиқилади  $G(V, R(V))$ , бу ерда  $V_I$  – виртуал объектларнинг йиғиндисини тарзида тақдим этилган тармоқ структурасининг тугуни; улар турли даражадаги ахборот тизимларининг ахборотлашган бир-бирига таъсирини характерлайди  $V_I, (V_I \subset H_{k(L)}, D_{k(L)}, U_{k(L)})$  бунда тизимни ишлаши элементларнинг ўзаро боғланишига асосланган  $H_{k(L)}, D_{k(L)}, U_{k(L)}$ .

Тугун-манба томонидан  $d \in D$  жуфтликдан акс этирилган ахборот оқимининг интенсивлиги  $Fd$ , ахборот тизими  $E_1, (E_1 \subset H_{k(1)})$ нинг  $H_{k(1)}$  элементларнинг ўзаро боғланиш натижаси сифатида намоён бўлади. Шундай тарзда тармоқ компонентлари орасидаги ўзаро ҳаракатларнинг бошқа турлари ҳам очиб берилиши мумкин – бу улар бажарадиган функциялар ва структурада боғланиш (жараёнлар)нинг поғоналараро алоқалари мураккаблигига боғлиқ.



**2-расм. Модуллар ўзаро боғланишининг структуравий тақдим этилиши**

2-расмда йўналтирилган чизиклар тармоқ тугуни элементлари ўзаро боғланишини тавсифлайди:

1) алмашиш учун керакли ахборот йиғиш (топология, конфигурация ҳақида ахборот алмашиш),

$H_{k(3)} \xleftrightarrow{Fh} H_{(k-1)(3)}$  ўзаро боғланиш;

2) алмашиш механизмини амалга ошириш:  $D_{k(3)} \xleftrightarrow{Fvd} D_{k(2)}$ ;

3) поғонада алмашиш механизмларидан бирини қўллашда белгилар шаклланиши,  $U_{k(2)} \xleftrightarrow{Fvu} U_{k(3)}$ ,

$H_{k(3)} \xleftrightarrow{Fh} H_{(k-1)(3)}$  ўзаро боғланиш;



4) бевосита алмашинув, мантикий узатиш  $H_{k(1)} \xleftarrow{Fh} H_{(k-1)(1)}$ .

Қиёслаш шартларини бажаришда қидирув аргументига мос келувчи ахборот қидирув бошлаган элементга келиб тушади. улар  $P_{K(3)}$  элементлар тўпламида (каттароқ иерархик поғонада) шаклланган  $OS_{K(L)}$  қидирув объектларини  $\{P_{G(2)}^{K(3)} / K = 1 \dots E_{(2)}^{K(3)}\}$  элементига проекциялаш амалга оширилади.

$OS_{K(L)}$  ахборот объектларини акс эттириш ва белгилаш қуйидаги турдаги ўзаро боғланиш йўлида амалга оширилади:

$$U_{G(2)} \xleftarrow{Fvu, Fvd} H_{G(3)} \xleftarrow{F3} H_{K(3)} \xleftarrow{Fvd, Fvu} D_{G(3)}, G \in K.$$

Қидирув аргументига мос келувчи ахборот асосида,  $P_{K(3)}$  тўпламдаги  $P_{G(3)}$  элемент тўплами ўз  $S_l$  ҳолатларини ўзгартиради, ва улар кириш йўналишига  $P_{G(2)}^{K(3)}$  га мос келади.

Умуман олганда, ассоциатив ўзаро боғланишларнинг ҳолатлари асосида бошқарувчи ахборотни юборилувчи компонентага узатиш принципи виртуал элементларнинг поғоналар орасидаги ўзаро таъсир орқали амалга оширилади

$D_{K(3)} \xleftarrow{Fvd} D_{K(2)}$ , улар иерархия ва ахборот майдонларининг иккита белгиланган сатхининг ўзаро таъсирини намоён қилади  $Q(3) \leftrightarrow Q(2)$ .

Тадқиқот методологиясига асосланиб, ИКТнинг турли поғоналарининг ахборот жараёнларини таҳлил қилиш орқали инфокоммуникация тармоқни мантикий тасаввурининг иккита сатх кўринишида – транспорт ва сервис сатхларидаги масалалар учун ассоциатив алоқалар мавжудлигининг асосланиши келтирилган.

*Транспорт сатхида:* ахборотни излаш ва саралаш алгоритмлари учун кўп координатали ассоциатив муҳитни мантикий ташкил қилишда қўллаш имконияти асосланган, улар IP-пакет (IP-Internet Protocol) сарлавҳасида кўрсатилган устунлик (приоритет) даражаси бўйича пакетларни саралаш ва кетма-кетликда беришни амалга оширади.

Пакетни тармоқда кечикиш вақтининг таркибида бўлган – навбатда кутиш вақтини камайтириш услуги таклиф қилинган; услубни амалга ошириш учун кўп координатали ассоциатив муҳит қўлланилади, бунда фрактал жараёнлар коммутация тугунларида оқимларнинг ҳатти-ҳаракатини прогноз (башорат) қилиш асоси бўлиб хизмат қилади. Кўп координатали ассоциатив йиғувчи амалга оширилади ва пакет қайта ишлаш учун ассоциатив муҳитни қўллаш натижалари олинади. Бу бир тугун учун турли приоритетлар учун 3 - 9% гача пакетлар навбатда кутиш вақтини камайтириш имконини берди; коммутациянинг иккита тугунидатрафик генерацияланганда, пакетларни ишлаш учун ассоциатив муҳитни қўллаш, пакетлар учун кутиш вақтини 3 дан 6% гача камайтириш имконини берди.

*Сервис сатхида:* IP протоколида боғланишлар мавжудлигини назарда тутадиган тармоқнинг ташкил қилувчи ва функционал структураси, боғланиш жараёнида ахборот алмашишнинг мураккаб жараёнларини шарт қилиб қўяди; шу сабабли, кейинги авлод тармоқлари сигнализацияси протоколлари орасида ахборот алмашишни ўрганиш ва бундай жараёнларда ассоциатив хусусиятлар мавжудлигини аниқлаш тушаётган оқим

юкламаларнинг асосий параметрларини таҳлил қилиш асосида ҳамда SCTP (Session Control Transmission Protocol) протоколи, SIGTRAN стекида (SIGnalling TRANsport - IP- тармоқ орқали сигнал маълумотларини узатиш) ишлаш моделини тадқиқ қилиш амалга оширилади – тизим ишлаши учун оптимал параметрларни аниқлаш мақсадида. SIGTRAN гуруҳи протоколлари орасида ахборот алмашишни тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, тармоқ еки тизимнинг муайян тавсифларини айна жараёнлардаги ассоциатив хусусиятлар асосида такомиллаштириш имконийлиги мавжуд экан.

ДТни ишлаб чиқиш масалалари учун келтирилган декомпозиция принципларини умумлаштириб, ассоциативлик хусусияти структураларнинг бошқа қисмларида ҳам пайдо бўлишини, компонентларнинг самарали ўзаро таъсири алгоритминини ишлаб чиқиш имконини беришини кўрсатади.

Ассоциацияларга асосланган функционал ўзаро боғланишда иккита жихатни ажратиб кўрсатиш мумкин: а) ассоциациялар ўзаро тобе абстракт структура сифатида, улар орасидаги алоқада ёки тасаввур шаклларида ахборот объектларида ноаниқ кодлаштирилган (яъни, ассоциациялар ахборот объектлари ўртасида муносабатни акс эттиради, бунда объектларнинг ўзи ва улар орасидаги муносабат берилди); б) ассоциациялар ахборот ташувчи ҳисобланадиган мантиқий-хотира муҳитда коллектив ёки интеграл ўзгаришлар сифатида (яъни шу муҳитнинг аниқ хусусиятларини акс эттириб, ассоциацияланувчи ахборот объектлари ўртасидаги муносабатларни аниқлаб, структуравий ва функционал белгиларни ажратиб бериш имконини беради).

ИКТ структураларни моделлаштириш вазифаси учун маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш принциплари белгилаб берилган, у ассоциатив қоидалар учун объектларда иерархиянинг мавжудлиги, уни ўзгарувчан таҳлиliga эришиш ва қўшимча билим олиш мақсадида қўллаш имконини беради. Бу диссертация тадқиқотининг муҳим томонини асослаб бериб, мос бўлувчи интерфейс сифатида оралик ДТ орқали ўзаро таъсирни амалга ошириш билан боғлиқ. Унинг функцияси ассоциатив ўзаро таъсир орқали амалга оширилиб, алмашиш жараёни ва/ёки ахборотни ишлашни интеллектуаллаштиришнинг етарли даражасини таъминлайди, шунингдек тақсимланган ҳисоблашлар ва ДТ инженерияси масалаларида ечим қабул қилиш имконини беради.


Диссертациянинг **“Тақсимланган муҳитда компонентларнинг самарали ўзаро ҳаракатланиш масалаларини ечиш учун моделларни ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобида тақсимланган архитектура декомпозиция тамойиллари ва функционал ташкил қилинишига мувофиқ бошқарув таъсирларни ишлаб чиқиш учун моделлар тузиш асослари аниқланган.

Тақсимланган тизимлар функционал архитектураси декомпозицияси ҳисоблаш тизимнинг ДТ компонент тузишини, компонентлар хусусиятлар ва улар ўртасида муносабатларни ҳисобга олади. Шу билан бирга компонентлар ва турли компонентлар учун ҳолатлар маконини тақдим қилишга нисбатан декомпозиция методологик жихатдан шундай амалга ошириладики, моделда у ёки бу поғонада уланишлар аниқланиши мумкин бўлади. Шу билан бирга,

тақсимланган маконда иловани амалга ошириш автоном жараёнлар йиғиндиси орқали содир бўлади, КАТ билан ифодаланади ва кўриб чиқиш қуйи поғонали муҳит томонидан қўллаб-қувватланади, яъни функционалликнинг етарли даражада бўлиши тақсимланган муҳитнинг (маконнинг) хулқий модели орқали дастурлаш моделига ва мос равишда ДТ архитектурасига ёки уни ишлаб чиқиш жараёни модификациясига ўтишга имкон беради.

Кўп агентли тизимда агент хулқи унинг бошқариш тизими томонидан белгиланиши ҳисобга олиниб, тақсимланган макон хулқий модели концептуал тақдим қилишда агентни бошқариш схемаси кўриб чиқилган. Тақсимланган маконда вазифага қараб объектлар тўплами шаклланади, объектлар ҳаракати, уларнинг хусусиятлари, объектлар ўртасида муносабатлар ўрнатиш, ҳар бир объект учун интерфейслар ва объектни амалга ошириш аниқланади. Унда ОЙЛда ҳисоблаш жараёни ўзаро ишлайдиган ва келиб тушадиган хабарларга ишлов бериш усулларига эга модуллардан йиғилган тизим сифатида асосланиш муҳим ҳисобланади. Моделлаштиришнинг асосланган тамойилларига оид агентни бошқариш тизими тегишли блокларини агент томонидан амалга ошириш (3-расм) ва агентлар хулқини оптималлаштириш қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда содир бўлади:

1. Эволюцион излаш: бошқа агентлар билан коммуникация модули (схемада штрих-пунктир билан кўрсатилган) – ассоциатив муҳит модели.



3-расм. Хулқий модельнинг концептуал тақдим этишда агентни бошқариш схемаси

2. Индивидуал ўқитиш ва ҳаракатни танлаш: мақсадлар ва баҳоларни ташкил қилиш модули, – Хопфилд нейрон тармоғи ва тензорли ўзгартириш модели.

3. Коммуникациялар натижасида агентлар ўртасида тажриба алмашиш: тақсимланган муҳитда компонентларнинг самарали ўзаро ишлаш – ноаниқ тўпламлар асосида кўп агентли тизим модели.

Шу билан бирга уларнинг ҳар бири учун моделлаштириш тамойилларни амалга ошириш кўп ўлчамли декомпозиция тамойиллар ҳисобга олган ҳолда тегишли модел билан аниқланади.

*Эволюцион излашни моделлаштириш.* Интеллектуал тизимлар назарияси тезисларига мувофиқ ахборотга ишлов бериш ва бошқариш технологиялари кўп жиҳатдан тизимнинг амалга ошириладиган ташкил қилиниш тамойилига боғлиқ; коммуникацион тизим сифатида намоён бўлаётган ассоциатив муҳитда ахборот объектлар хусусиятларининг эҳтимолли ифодаланишдан фойдаланиб, қуйидагиларни аниқлаш мумкин:  $Q$  ахборот майдонини ахборот тизими ҳолатлари макони ҳақида маълумотлар йиғиндиси сифатида;  $Q_L$  ахборот майдони иерархияси поғонаси –  $Q$  дан келиб чиқадиган  $U(\{P_{K(L)} / K = 1 \dots Z \dots X\})$  иерархиясининг тегишли  $L$  поғонали катаklarининг барча тўпламларида маълум даражадаги ахборот тизимлар билан акс эттирилиши мумкин;  $Q_{J(L)}$  ахборот майдонини иерархия поғонаси, яъни  $L$  иерархия поғонаси элементлари йиғиндиси  $U(\{P_{K(L)} / K = 1 \dots Z\}, U(P_{K(L)}))$  га мумкин бўлган ахборот.

Унда ахборот ўзгариши билан боғлиқ ихтиёрий масала  $H_{K(L)}$ ,  $D_{K(L)}$  ва  $U_{K(L)}$  виртуал элементлари ва тармоқнинг муайян тугунларининг ўзаро боғланиш масалалари тўплами сифатида ифода этилиши мумкин.

Агар  $V_I$  – тармоқ тугунлари бўлса ва улар турли поғоналардаги ахборот тизимларнинг ахборот алоқаларини ифода этувчи виртуал объектлар сифатида намоён бўлса, унда масала қуйидагича ифодаланади:

$$\min \left( \sum_{c \in P_c} \sum_{\substack{i,j=1 \\ i \neq j}}^N U_{ij}^c C_{ij}^c + \sum_{s \in P_s} \sum_{\substack{i,j=1 \\ i \neq j}}^N H_{ij}^s C_{ij}^s + \sum_{d \in D} \sum_{\substack{i,j=1 \\ i \neq j}}^N D_{ij}^d C_{ij}^d \right) \quad (3.1)$$

бу ерда:  $N$  - битта поғонадаги элементлар йиғиндиси;  $P_c$  – манба тугуни жараёнлари;  $P_s$  - қабул тугун жараёнлари;  $C_{ij}^x$  - ахборот объектининг  $i$  элементида  $j$  элементидаги сўров юборганда алоқанинг шартли баҳоси;

